



LEGAL FRAMEWORK FOR ENSURING GENDER EQUALITY IN UZBEKISTAN

Gulshada Orazalieva

Associate professor, doctoral student, candidate of sociology

National University of Uzbekistan

Tonkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: gender equality, gender approach, gender stereotypes, human rights, male and female rights, legal standards, discrimination, violence, domestic violence, family values.

Received: 12.08.24

Accepted: 14.08.24

Published: 16.08.24

Abstract: This article is devoted to the research of social and legal aspects of ensuring gender equality, which is one of the global problems of human civilization today. Based on the study of existing social-philosophical, political-legal literature, the characteristics of the manifestation of this problem at the universal and national level are described. Based on the analysis of the results of official organizations and sociological research conducted by the author, the main trends and existing problems of ensuring gender equality in Uzbekistan are shown.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Гулиада Ҷразалиева

Доцент, докторант, социология фанлари номзоди

Ўзбекистон миллий университети

Тонкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: гендер тенглиги, гендер ёндошуви, гендер стеротиплари, инсон ҳуқуқлари, эркак ва аёл ҳуқуқлари, ҳуқуқий меъёрлар, дискриминация, зўравонлик, оиладаги зўравонлик, оила кадриятлари.

Аннотация: Ушбу мақола инсоният цивилизациясининг бугунги кундаги глобал муаммоларидан бири бўлган гендер тенглигини таъминлашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган. Мавжуд ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш асосида, мазкур муаммонинг умуминсоний ва миллий даражада намоён бўлишининг хусусиятлари баён этилади. Расмий ташкилотлар ва муаллиф томонидан ўтказилган социологик

тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашнинг асосий тенденциялари ва мавжуд муаммолари кўрсатиб берилди.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Гулиада Уразалиева

Доцент, докторант, кандидат социологических наук

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: гендерное равенство, гендерный подход, гендерные стереотипы, права человека, права мужчины и женщины, правовые нормы, дискриминация, насилие, домашнее насилие, семейные ценности.

Аннотация: Данная статья посвящена исследованию социальных и правовых аспектов обеспечения гендерного равенства, которое сегодня является одной из глобальных проблем человеческой цивилизации. На основе изучения существующей общественно-философской, политико-правовой литературы описаны особенности проявления данной проблемы на общечеловеческом и национальном уровне. На основе анализа результатов официальных организаций и социологических исследований, проведенных автором, показаны основные тенденции и существующие проблемы обеспечения гендерного равенства в Узбекистане.

КИРИШ

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан гендер тенглигини таъминлаш, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолар қаторига киради. Мавзунинг долзарблиги, қуйидаги глобал ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган омиллар билан белгиланади. Биринчидан, аёллар ва эркеклар тенглиги, аёлларга нисбатан камситилишларнинг барча кўринишларига барҳам бериш, инсон ҳуқуқлари ва кадриятларининг асосий мазмунини ташкил этади. Хусусан, 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация” сида таъкидланганидек, эркеклар ҳам, аёллар ҳам "ҳеч қандай фарқларсиз" барча ҳуқуқлардан тенгдирлар.

Иккинчидан, тадқиқ этилаётган муаммо миллий манфааталар нуқтаи назаридан, мамлакатлар кесимида, Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётининг долзарб масалаларидан биридир. Шу ўринда президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги нутқида, инсон

хуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб, Ўзбекистонда *гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланганини алоҳида қайд этдилар.* [1]

Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясида кўрсатилган “Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини 30 фоизга ошириш”[2] вазифаси кўрилатган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, гендер тенглигини таъминлашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларининг моҳияти ва хусусиятлари ҳозирги даврда оилани мустаҳкамлаш омили сифатида Ўзбекистон мисолида ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон ривожланишининг Стратегиясида илгари сурилган ғоялар тадқиқотимизнинг методологик асосини ташкил этади. Шунингдек тадқиқотимизда илмий билишнинг қиёсий таҳлил, объективизм, тарихийлик ва мантикийлик, хусусийлик ва умумийлик принциплари, социологик оммавий сўровномалардан фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Гендер тенглиги масалалари илмий тадқиқотларнинг энг долзарб йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш гендернинг ижтимоий структураси, унинг яхлит ижтимоий тузилма билан ўзаро алоқада бўлган назарий ва эмпирик тадқиқотларни ўз ичига олади.

Гендер (gender) тушунчаси ижтимоий жиҳатдан талқин этилади. Машҳур ғарб олими Э. Гидденс фикрига кўра, гендер – эркеклар ва аёллар учун хос ҳисобланган жиҳатларни ҳулқ-атвордан ижтимоий кутиш.[8;819] Гендер эркеклар ва аёллар ўртасидаги жисмоний тафовутларни эмас, балки уларнинг жамиятдаги, турли маданиятлардаги, этник гуруҳлардаги ижтимоий хусусиятларини англатади.

Гендер тенглиги эса бу эркеклар ва аёлларнинг жамиятнинг барча соҳаларида ҳар қадай стереотиплар, гендер роллари ва йиллар мобайнида шаклланиб келган қарашлардан қайтиб назар, ҳеч қандай чекловларсиз, тенг имкониятлардан ва тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари, интилишлари ва қобилиятларини намоён қила олиш эркинликларидир.

Таъкидлаш жоизки, гендер тенглик муаммоси бугунги кунда дунё муаммосига айланган бўлиб, БМТ ташаббуси билан бир қанча муҳим халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Улардан бири «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW) ва Пекин декларациясидир. [6;1-3]

Ушбу Декларация ва Конвенцияларда аёлларнинг барча ҳуқуқлари қайтиб ҳимояга олинган бўлишига қарамай, аёллар меҳнат қилиш, мавжуд ресурслардан тенг фойдаланиш ва меҳнатларига яраша тенг иш ҳақи олиш имкониятига эга эмаслар ва бу жараёнлар кўплаб тушунмовчиликлар ва касбий сегрегацияларнинг ривожланишига олиб келиб,

гендер тафовутларнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Гендер тенглиги комиссияси раҳбари Т. Нарбоеванинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Биз зўравонликнинг географик, ижтимоий ва иқтисодий чегараси йўқлигини кўриб турибмиз. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда уни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриш талаб этилади”.[9;104]

Гендер тенгликка эришиш учун давлатлар томонидан бир қатор сайъи ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади. Булар орасида миллий ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, кўпчилик ҳолатларда патриархал муносабат ва шу билан боғлиқ ижтимоий меъёрларнинг натижаси бўлган жинсий камситишларга қарши курашни институционал асосларини яратиш талаб қилинади.[7 ;239]

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида аёлларни ҳар қандай камситиш ва таъқиблардан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳалқаро-ҳуқуқий меъёрларга қатъий амал қилади.

Бу ҳалқаро шартномалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда миллий-маданий кадриятларни, ижтимоий-сиёсий қарашларни ҳисобга олиб, мамлакатда яшаётган ҳалқ ва элатларнинг миллий манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган қуйидаги: “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Аёлларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қатор қонунлар қабул қилинди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер тенглиги имкониятларини номувофиқлигини бартараф этиш мақсадида, қонун ҳужжатларини самарали гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида 2030-йилгача Ўзбекистонда гендер тенглигига эришиш стратегияси тасдиқланди. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентдаги аёллар сони (32%) даражасига етди – мамлакат бу кўрсаткич бўйича 190 та давлат орасида 37-ўринни эгаллади.[5;1]

Ўзбекистонда гендер тенглигига эришиш стратегияси БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, унда барча учун тенг ҳуқуқ ва сифатли таълимни таъминлаш, гендер тенглигига эришиш, зўравонликка йўл қўймаслик каби масалалар қамраб олинган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 19-майдаги “Зўравонлик қурбони бўлган аёлларни реабилитация қилишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори [4;1] ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлиб, зўравонликка

учраган аёлларга ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, оилавий ва оилавий зўравонликнинг салбий оқибатларини бартараф этишдан иборатдир.


Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва улар билан мақсадли ишлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб йўлга қўйилган «Аёллар дафтари» тизими орқали қарийб 2,5 миллиондан ортиқ хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак бериш учун 5,1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. [3;1]

Ўтказилган социологик сўровномаларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган шунча саъйи ҳаракатларга қарамай, юртимизда бу борада ҳанузгача қатор муаммоларнинг мавжудлиги аниқланмоқда. [10;12]

Хусусан, “Зўравонликка учраганда сиз биринчи бўлиб кимдан ёрдам кутасиз?” деган саволимизга респондентларнинг 42 % ҳуқуқ тартибот органлари ходимларидан, қолганлари турмуш ўртоғидан (30%), ота-онамдан (13%) қайнота-қайнонамдан (6%) фақат 9% бошқа жойлардан, деб жавоб берганлар.

Бу кўрсаткичлар аввалги натижалардан анча ижобий натижа бўлиб, сўровда қатнашган аёлларнинг деярли ярми (40%) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш муҳимлигини тушуниб етаётганлигидадир.

Кейинги саволимизда респондентларнинг гендер тенглигига оид муаммолар ҳақидаги фикрини аниқлаш мақсадида сизнингча аёллар гендер тенглиги масалаларида мавжуд муаммоларга учрашларига нималар сабаб бўлади деген савол билан мурожаат қилдик, 43% ўзига ишончсизлик, 21% бир – бирини тушунмаслик, 12% моддий етишмовчиликлар, 11% анъаналар, 13% респондентлар эса бошқа шу каби сабаблар деб жавоб беришган. (2 - диаграмма)



Ушбу жавоблар шунни кўрсатдики, аёллар миллий анъаналарни гендер тенгсизлиги манбаи сифатида кўришга мойил эмаслар. Тахминан ҳар ўнинчи одам бу нуқтаи назарга амал қилади. Доминант нуқтаи назардан, гендер муаммолари асосан томонлар ўртасидаги ўзаро тушунишнинг мураккаблиги билан боғлиқдир (сўровда қатнашганларнинг 64 фоизи). Бу эса ҳар икки томоннинг психологик ҳолатини мослаштириш орқали гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни чуқурлаштириш зарурлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, гендер тенглиги масалалари бугунги кунинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, гендер тенглиги масалаларини ҳал этиш, иқтисодий барқарорликка, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида гендер тенглиги йўналишидаги қонунийлик тамойилини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Гендер тенгсизлиги, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйик ва босим, ҳуқуқбузарлик ва безориликларга, жамоатчилик фикрига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида жамиятда (хусусан, ижтимоий тармоқларда) пайдо бўладиган ноҳуш ҳолатларга ўз вақтида тегишли ваколатли органларнинг масъулиятларини ошириш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Гендер тенглиги масалаларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган халқаро-хуқуқий нормаларни қабул қилиш ва уларни миллий қонунчиликка жорий этишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Оммавий ахборот воситалари орқали гендер тенглиги тўғрисида қабул қилинган ва қабул қилинаётган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни маҳаллий фуқоралик йиғинларига, маҳаллаларга, тушунарли тилда, соддалаштирган ҳолда тарғиб қилишни кучайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони «Ўзбекистан – 2030» стратегияси 11 сентябр 2023 йил № УП-158 / <https://lex.uz/ru/docs/6600404>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.12.2023 йилдаги ПФ-208-сон. «Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». -<https://lex.uz/ru/docs/6704824>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.05.2021 йилдаги ПҚ-5116-сон “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/5426650>
5. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида. <https://lex.uz/ru/docs/5466673>
6. Декларация об искоренении насилия в отношении женщин, 1993 г. - https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/violence.shtml
7. Алиева, К. 2021. Достаточно ли правовых реформ для обеспечения гендерного равенства (взгляд опыта европейского союза)?. Общество и инновации. 2, 4/S (май 2021), 861–869. DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp861-869>
8. Гидденс. Э. Социология. Т.: Шарқ -847 б.
9. Нарбаева Т.К. Гендерное равенство и роль женщин в обществе // Экономика. Социология. Право. 2019. №2 (14). - С.103-105. <https://cyberleninka.ru/article/n/gendernoe-ravenstvo-i-rol-zhenschin-v-obschestve>.
10. Ўразалиева Г. “Ўзбек оиласини мустаҳкамлашда гендер тенгликнинг этно-функционал жиҳатларининг ижтимоий-фалсафий муаммолари” мавзусидаги социологик сўровнома натижалари. - Тошкент, 2023 й. 20 б.